

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАФОРОВА ЗИЁДА НАСРИЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАМД ВА НАЪТ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ
ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Гафорова Зиёда Насриевна

Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг

ғоявий-бадиий таҳлили 3

Гафорова Зиёда Насриевна

Идейно-художественный анализ газелей ҳамд и наът

Алишера Навои 23

Gaforova Ziyoda Nasriyevna

Ideology-poetical analysis of hamd and na` t ghazelles

of Alisher Navoi 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАФОРОВА ЗИЁДА НАСРИЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАМД ВА НАЪТ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ
ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Fil391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyo.net. манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эркинов Афтондил Садирхонович филология фанлари доктори Сулаймонов Мўминжон Юсубжонович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Самарқанд давлат университети, бош ўқув бино, 1-қават, анжуманлар зали, 105-хона. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; fax: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; fax: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

Ж.Ҳамроев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, фил. ф. д.

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фил. ф. д.

Д.И.Салоҳий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фил. ф. д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида навоийшунослик алоҳида ва ўзига хос йўналиш ҳисобланади. Чунки буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарлари – миллий маънавиятимиз, қолаверса, умумбашарий тамаддуннинг энг мўътабар дурдоналари янглиғ ғоят азиз ва қадрли. Унинг ижодини ислом, хусусан, унинг бағрида пайдо бўлган тасаввуф таълимотидан айри ҳолда тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Буни шоир яратган Тангри таолони васф этишга бағишланган ҳамдлар ва сўнгги пайғамбар – Муҳаммад (с. а. в.) таърифу тафсифидан иборат наътлар ҳам тўла тасдиқлайди.

Дунё адабиётшунослигида ҳамд ва наътларни ўрганиш умумисломий мавзулар сирасига киради. Чунки мусулмон Шарқи мумтоз қалам соҳиблари ижодида ҳамд ва наът битиш муаллиф дунёқарашининг муҳим жиҳатини акс эттириб, амалда унинг ғоявий мақсадлари муҳим кирраларини намоён этади. Шунинг учун ҳамд ва наътлар мусулмон Шарқи халқлари сўз санъатида бошқа мавзуларга бағишланган асарлардан кескин ажралиб туради. Бинобарин, ҳамд ва наът битишнинг ўз талаблари, тартиб-қоидалари, қатъий анъаналари мавжуд. Ҳамд ва наътларни ўрганиш эса илмий-назарий жиҳатдан адабиётшуносликни исломшунослик билан уйғунлаштиришга ундайди. Бу борада Эрон, Туркия, Россия, Озарбайжонда турли йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилган. Ҳамд ва наътларнинг ҳар хил жанрлардаги асарлар тарзида ёки улар таркибида битилиши эса сўз санъаткорлари асарлари бадиий жиҳатларини ўрганишга даъват этади.

Истиқлол даврида Навоий ижодининг аҳамияти янада ортди. Унинг дунёқараши, ҳар бир фикри, нуқтаи назари, ҳаёт ва тараққиёт, олам ва одам, дунё ва охират ҳақидаги тасаввурлари бугунги кунда янада қадрли. Миллий маънавиятни ушбу улуғ мутафаккир ижодисиз тасаввур қилиш ҳам, ривожлантириш ҳам, такомиллаштириш ҳам амри маҳол. Зотан, ҳар тарафлама такомилга эришган инсонни тарбиялаш жамият олдидаги энг муҳим маънавий вазифа бўлиб турган бир замонда комил инсон ғояси ҳадди аълосида тарғиб этилган бу ижод намуналари алоҳида аҳамият касб этади. Навоий – ўзбек тилида энг кўп ҳамд ва наът ғазал битган шоир. Унинг ҳамд ва наът ғазаллари анъана талаби учунгина яратилмаган, шоир дунёқарашида Аллоҳга ва пайғамбар(с. а. в.)га муносабат асосий ўрин тутди. Ҳамд ва наът ғазаллар ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганишнинг долзарблиги ва аҳамияти ҳам шундан келиб чиқади. “Мумтоз адабиётимизни, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва таркибий қисмига айлантириш”¹ кераклиги эса мавзунинг долзарблигини янада оширади. Бу улуғ шоир ва мутафаккир ижодига “замонаси учун, бутун жаҳон адабиёти учун катта ижобий ҳодиса”² сифатида қараш лозим.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2018, 6 апрель.

²Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Фулом номидаги НМИУ, 2010. – Б. 299.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сонли “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Шўро замонида Навоий ижодидаги, жумладан, ғазалиётидаги ҳамд ва наътларни ўрганиш амалда тақиқланган мавзулардан бири ҳисобланар эди. Адабиётшуносликда, ҳатто, бу асарларни шоир расмий анъанага амал қилиш мажбуриятидангина ёзган, деган қараш ҳам йўқ эмас эди. Шунинг учун унинг “Асарлар”и 15 томлиги таркибида чоп этилган девонлардаги ҳамд ва наът ғазаллар, дostonларнинг ҳамд ва наът боблари қисқартирилган.

Мустақиллик йилларида адабиёт ва тасаввуф масалаларини ҳар тарафлама ўрганиш бошланиб, талай эътиборли илмий тадқиқотлар юзага келди. А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, Ҳ.Ҳомидий, И.Ҳаққул, А.Абдуқодиров, И.Сувонқулов, Д.Салоҳий, Б.Тўхлиев, Н.Жумахўжа, Г.Наврўзова, С.Олим, С.Рафиддинов, Э.Очилов, У.Қобилов ва бошқаларнинг илмий асарларида ислом таълимоти ва тасаввуф фалсафаси асрлар мобайнида миллий сўз санъатимизнинг ғоявий-назарий, ахлоқий-маънавий асоси бўлиб келгани, ҳатто, мумтоз адабиётимизни исломга, тасаввуфга муносабатига кўра янгидан тасниф қилиш зарурати пайдо бўлгани, шу тариқа комил инсон ғояси ҳар томонлама бадиий талқин ва тарғиб этилгани маълум даражада ёритилган³.

³Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлгасен Нақшбанд... – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Валий. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Ҳайитметов А. “Ҳайрат ул-аброр”да услуб ранг-баранглиги / Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 27 – 45; Яна ўша: Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Абдуғафуров А. Навоий китъалари: ғоя ва мундарижа / Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан. – Б. 9 – 11; Комилов Н. Тасаввуф ва комил инсон ахлоқи. I-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Ҳомидий Х. Кўхна Шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; Яна ўша: Тасаввуф ва Навоий шеърятини ҳақида / Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2001; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. –

Шу даврда шоирнинг ҳамд ва наътларини ўрганишга киришилди. Н.Бекова “Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти” мавзусида номзодлик диссертациясини⁴ ёқлади. Р.Воҳидов “Алишер Навоий ва илоҳиёт”⁵ тадқиқотида Навоийнинг ҳамд ва наътларини қисман таҳлил этар экан, “Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг” фаслини⁶ ҳамдлар таҳлиliga бағишлайди, жумладан: “Ушбу мисралар (“Хайрат ул-аброр”нинг биринчи боби ҳақида гап кетяпти – З. Ғ.) моҳиятига етиш дostonдаги муножотлар, наътлар мағзини очиш учун замин ҳозирлайди”⁷, – деб ёзади. М.Муҳиддиновнинг “Хайрат ул-аброр”ни салафлар асарлари билан қиёсан тадқиқ этишга бағишланган докторлик диссертациясида⁸ дostonдаги ҳамд ва наътлар кенг таҳлилга тортилган. Олим фикрича: “Тасаввуф аҳли бир овоздан комилликнинг олий намунаси – комил инсон тимсоли деб ҳазрати Муҳаммад Расулulloҳ(с. а. в.)ни тилга оладилар. Агар ҳазрати Расулulloҳ (с. а. в.) олий даражадаги комиллик намунаси бўлса, валийлар ундан кейин турувчилардир”⁹. О.Давлатовнинг “Алишер Навоий шеърлятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини” мавзусидаги тадқиқотида ўртага қўйилган масала анча кенг миқёсда, яъни шоирнинг, асосан, “Хазойин ул-маоний”га кирган тўрт девони, “Хамса”даги беш дoston ҳамда “Лисон ут-тайр” маснавийси, қисман, бошқа насрий ва шеърлий асарлари мисолида ўрганилган. Ё.Исҳоқов Навоий лирикасидаги ҳамд ва наътлар услубий жиҳатдан бир-биридан ажралиб туришини тўғри қайд этади: “Навоийнинг ишқий лирикасида традицион руҳдаги бир қатор шеърлар мавжудки, улар ҳамд ёки наът сифатида (девоннинг ҳамда ҳар бир ҳарфнинг бошланишида) махсус ёзилган бўлиб, ўз услуби билан ажралиб туради”¹⁰. Б. Саримсоқов “Тахаллус”¹¹ мақоласида шоирнинг “Билан санга” радифли наът ғазалини таҳлилга тортиб, унинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва

Хўжанд, 1994; *Яна ўша*: Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд: 1994; Сувонкулов И. Сўфи Аллоҳёр ва унинг адабий аънаналари: Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Салоҳий Д.И. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили (Ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида): Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; *Яна ўша*: “Бадоеъ ул-бидоя” малоҳати. – Тошкент: Фан, 2004; Тухлиев Б. “Кутадгу били” Юсуфа Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор (Мотивы. Образная система. Принципы художественного изображения): Автореф. дисс. ... д-ра филол. н. – Ташкент, 1992; Жумахўжа Н.А. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII – XIX асрлар ўзбек шеърляти асосида): Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: Фалс. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Фан, 1992; *Яна ўша*: Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Рафиддин С.С. Атойининг поэтик маҳорати: Фил. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Очил Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Нихол, 2008.

⁴Бекова Н. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти: Фил. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2003.

⁵Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994.

⁶Ўша асар. Б. 44 – 65.

⁷Ўша асар. Б. 47.

⁸*Қаранг*: Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси: Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995.

⁹Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият. 2005. – Б. 20.

¹⁰Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 110. Бироқ ўтган асрнинг 70-йилларида шоир ҳамд ва наътларини атрофлича ўрганиш мафқуравий жиҳатдан ман этилгани учун бўлса керак, бу нашрда ҳамд ва наътлар, шоирнинг ишқий лирикасида дахлдор, деб ҳисобланган.

¹¹Саримсоқов Б. Тахаллус / Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б. 82 – 84. Бу китобдаги “Сажъ”, “Сажъ ва қофия”, “Тажнис”, “Тахаллус” мақолалари – Б.Саримсоқов қаламига мансуб.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонларидаги нусхаларини қиёсан ўрганган. О.Сафарова “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар” номи остида Навоий “Чор девон”идаги наът ғазаллар ва “Девони Фоний”даги “Айн ул-хаёт” қасидаси матнини луғат ҳамда қасиданинг С.Сайфуллоҳ амалга оширган ҳозирги ўзбек тилига насрий таржимасини илова қилган ҳолда чоп эттирган¹².

Аммо санаб ўтилган ишларнинг ҳеч бирида “Хазойин ул-маоний”даги ҳамд ва наът ғазаллар ички тасниф қилинмаган, уларнинг жанрий, мавзуй ва ғоявий-бадий хусусиятлари бир мавзу доирасида махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 7.4.13 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” (2003-2007) мавзусидаги гранти, “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” (2016 – 2020) мавзусидаги илмий ишлар доирасида ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008 – 2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ўзига хосликлари ва ички турларини аниқлаш, шу аснода жанрий, мавзуй ва ғоявий-бадий хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, уларни ўзаро қиёсан ўрганиш диссертациянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ҳамд ва наът ғазалларни биргаликда тадқиқ этишда қуйидагилар тадқиқотнинг вазифаларига киради:

ҳамд ва наът жанр ё мавзу йўналиши эканини илмий нуқтаи назардан аниқлаштириш;

ҳамд ғазалларнинг шоир лирикасидаги ўрни, жанрий, мавзуй ҳамда ғоявий-бадий хусусиятлари, уларнинг умумий жиҳатлари, тавҳид ҳамда муножот ҳамд ғазалларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

наът ғазаллардаги талқин ва тасвирлар, шунингдек, услубий ўзига хосликларда оятлар ва ҳадислар билан алоқадорликни аниқлаштириш;

наът ғазалларда комил инсон ғояси, нур, шафоат ва мўъжизалар талқинини ёритиш;

муаллифнинг ҳамд ва наът битишдан кўзлаган ички инсоний илинжини муайянлаштириш;

“Хазойин ул-маоний” девонларидаги 2600 ғазалдан ҳамд ва наът ғазалларни ажратиб олиш ва уларнинг девонларда жойлаштирилишидаги

¹²Алишер Навоий. “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар. Тўплаб, нашрга тайёрловчи О.Сафарова. – Тошкент: Noshirlik yog‘dusi, 2010. Шуни қайд этиш керакки, нашрга номуносиб ном танланган, чунки, биринчидан, “Айн ул-хаёт” ғазал эмас, қасида, иккинчидан, у “Хазойин ул-маоний” таркибига кирмаган. Ушбу сатрлар муаллифи бу нашрдан 9 йил олдин, яъни 2001 йили, жумладан, “Хазойин ул-маоний”даги наътларни аниқлаб, тўплаб, чоп эттирган эди (*қаранг*: Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001), бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Наът ғазаллар таркибида берилган “Наводир уш-шабоб”нинг 201-, 272-, “Фавойид ул-кибар”нинг 224-, 440- ва 443-ғазалларини биз, мавзусига кўра, ишқий ғазаллар деб ҳисоблаймиз. Чунки Навоий “Хазойин ул-маоний”га бир хил миқдорда – нақд 37 тадан ҳамд ва наът киритган. Бу ғазалларни ҳам наът ҳисобласак, ана шу катъий нисбат бузилади, яъни ҳамд 37 та, наът эса 42 та бўлиб қолади, бу эса Навоий амал қилган тартиб-қоидага зид келади.

ўзига хосликларни тасниф этиш;

ҳамд ва наът ғазаллар мисолида дин ва адабиёт алоқамандлигини кўрсатиш;

Навоийнинг ғазалда ҳамд ва наът яратиш маҳорати қирраларини очиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ишда “Ҳазойин ул-маоний”даги ғазаллар орасидан барча ҳамд ва наътлар ажратиб олиниб, тадқиқ этилган. Эхкурс сифатида ўрни-ўрни билан шоирнинг бошқа турдаги ғазаллари, қитъалари, дostonларидаги ҳамд ва наът боблар қисман таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг предмети. Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг жанрий, мавзуй ва ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш, ҳамд ва наътларни тасниф қилиш, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар ва фарқларни аниқлаштириш тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллардан фойдаланилган. Ишда илмий билишнинг кўпроқ индуктив, қисман эса дедуктив методига асосланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

шоир ғазалларини фақат ошиқона, риндона, орифона турларга ажратиш хато экани исботланиб, бу рўйхатга ҳамд ва наът ғазалларни ҳам қўшиш кераклиги илмий асосда далилланган;

шоир девонларининг ҳар бир ҳарфга тегишли қисмларида ғазаллар айнан турларга қараб жойлаштирилгани, аввал ҳамд, кейин наът, сўнг мавъиза, шундан кейин эса ошиқона, риндона ғазаллар жойлаштирилгани, агар бир ҳарфий гуруҳда ҳамд ғазал бўлмаса, у наът билан, наът ҳам бўлмаса, мавъиза билан бошлангани факт ва далиллар асосида белгиланган, ҳамд ва наът ғазалларнинг Қуръон оятлари ва ҳадислар билан боғлиқлиги очиб берилган;

ҳамд ва наът ғазалларнинг, ўзига хос жиҳатлари билан бирга, умумий хусусиятлари, хусусан, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар, жумладан, “Ҳазойин ул-маоний” Аллоҳ ҳамди (1-девонининг 1-ғазали) билан бошланиб, пайғамбар (с. а. в) наъти (4-девоннинг сўнгги, яъни 650-ғазали) билан тугаллангани, ҳамд ғазаллар тавҳид ҳамд ғазаллар ва муножот ҳамд ғазалларга, наът ғазаллар васф наът ғазаллар ва меърожнома наът ғазалларга бўлиниши, бу турлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли тарафлар борлиги аниқланган;

наът ғазалларда нур, шафоат ва мўъжизалар талқинини муайян бир тизим асосида, диншунослик, мумтоз ва замонавий адабиётшунослик анъана ва ютуқларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ўрганиш зарурати, “Ҳазойин ул-маоний”даги 2600 ғазал орасида 37 ҳамд ва 37 наът ғазал борлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Навоий ғазалиётида ҳамд ва наътларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

тадқиқот натижалари асосида “Ҳазойин ул-маоний” тўрт девонидаги барча ҳамд ва наътлар ажратиб олиниб, илмий таҳлил қисми билан бирга алоҳида китоб ҳолида чоп этилган;

шоирнинг ҳамд ва наътлари жанрий, мавзуий ва ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақида тасаввурлар янгиланишига ҳисса қўшилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий муаммонинг аниқ ва муайян тарзда қўйилгани, адабиётшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар, илмий билишнинг, асосан, индуктив, қисман эса дедуктив методлари ёрдамида ечилгани тадқиқот натижаларининг ишончлигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамият шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ғазаллар таснифи, ҳамд ва наътларни турларга ажратиш тажрибасидан мумтоз адабиётимизда диний мавзуларни ёритиш, ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш, хусусан, шоирларимиз ижодида ҳамд ва наътларнинг ўрнини белгилаш, Навоий ғазалиёти моҳиятини очиш, буюк шоирнинг анъана ва таждидга (новаторликка) муносабатини кўрсатиш, сўз санъатида комил инсон ғояси талқинини ўрганишга бағишланган мавжуд илмий хулосаларни кенгайтириш ва тўлдиришга асос беради ҳамда мумтоз адабиётимиз ўзига хосликларини белгилашдаги умумфилологик масалалар ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боришда, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, ишдаги асосий натижалар олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактабларида ўзбек адабиёти бўйича дарслар, Навоий ғазалиёти юзасидан махсус курслар ўтишда асқотиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижаларидан:

шоирнинг ҳамд ва наът ғазалларида илгари сурилган эзгу ғоялар, хусусан, комил инсон тарғибига доир хулосалардан Самарқанд давлат университетининг 7.4.13 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” (2003 – 2007) мавзусидаги грантида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 89-03-2192-сон маълумотномаси), натижалар Навоий ҳамд ва наът ғазалларида комил инсон ғояси тарғибининг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

ҳамд ва наът ғазалларнинг миллий маънавиятимиз, шунингдек, Навоий адабий меросида тутган ўрни ҳақида илгари сурилган хулосалар Самарқанд давлат университетининг ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008 – 2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 89-03-2192-сон маълумотномаси) фойдаланилган, натижалар Навоий ҳамд ва наът ғазалларида маънавий фазилатлар тарғибининг аҳамиятини очиб беришда қўл келган;

Навоий ҳамд ва наът ғазаллари ҳақида тадқиқотда келтирилган хулосалардан “Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг “Бир байт шарҳи” кўрсатувининг кўплаб сонларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг 2018 йил 26 июлдаги 01-16/379-сон маълумотномаси), кўрсатувларда Навоий ғазалларидаги комил инсон ғояси, бу ғоя талқинида ҳамд ва наът ғазалларнинг аҳамияти атрофлича кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 халқаро ва 7 республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, 1 та рисола ҳамда Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг нашри, илмий журналларда 7 мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, уларнинг 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган ва умумий ҳажми – 152 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш”да мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилади.

Асосий қисм 3 бобдан иборат. Боблар, ўз навбатида, бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи фасллардан ташкил топган.

1-боб **“Ҳамд ғазалларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари”** деб номланган. Унинг 1.1-фаслида **“Ҳамд ғазалларнинг умумий жиҳатлари”** ўрганилади. Навоийшуносликда шоир ғазалларини, асосан, ошиқона, риндона ва орифона (пандона) ғазалларга бўлиш кучли: “Шоир ўз ғазалларини ва умуман ғазалларни ғоявий-тематик жиҳатдан шартли равишда уч қисмга бўлган: 1. Ошиқона ғазаллар. 2. Риндона ғазаллар. 3. Орифона ғазаллар”¹³. Ўзбек мумтоз адабиётидаги ғазалларни қуйидагича тасниф қилиш ҳам бор: ошиқона; орифона; риндона (қаландарона); ҳажвий ва юмористик; ахлоқий-таълимий; пейзаж; публицистик¹⁴. Бу таснифларда ҳамд, наът ва мавъиза ғазаллар инobatга олинмаган. Шунга қарамай, А. Ҳайитметов “Бадойиъ ул-бидоя” девонидаги “Дебоча”ни таҳлил этар экан, шоир девонига ҳамд, наът ва мавъиза ғазаллар ҳам киритилганини қайд

¹³Ҳайитметов А. Алишер Навоий лирикасининг баъзи масалалари / Навоий ва ижод сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 18.

¹⁴Қаранг: Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 78 – 79.

этади¹⁵. Бизнинг фикримизча, Навоийнинг ўзи “мавъиза” деб атаган¹⁶ ғазаллар олимлар “орифона” деб таърифлаган ғазалларни ҳам англатади.

Девон тузишда Навоий ўзига хос йўл тутган. Унинг ўзи буни “Бадойиъ ул-бидоя”га ёзган “Дебоча”да махсус айтган: “Неча навъ ишким, мунда маръий бўлубтурур (амал қилинбди – *З. Ғ.*), ўзга давовинда (девонларда – *З. Ғ.*) кўрулмайдурур”¹⁷. Ана шу янгиликларини шоир “Хазойин ул-маоний” девонларида янада такомиллаштиради. Диссертацияда булар атрофлича кўрсатиб ўтилди.

Бевосита Аллоҳ таъриф ва тавсиф этилган ғазаллар ҳамд ғазаллар дейилади¹⁸. Ҳамд ғазалларнинг аксариятида шоир Аллоҳ кулли мавжудотнинг яратгувчиси эканини бадий тил билан таърифлайди. Шоир дунёқарашининг мағзи бевосита худди ана шу тушунча билан чамбарчас боғлиқ. Демак, наинки олам, нафақат одам, балки, ҳамма нарса ана ўша Яратгувчига тобе бўлиши керак. Адабиёт учун муҳим ва эътиборли жиҳати шундаки, ақидага кўра, Аллоҳ тобеларидан ёмонлик кутмайди. Чунки Яратган ўзига тобелик учун ёмонлик қилишни эмас, пок – яхши йўлдан юришнигина раво кўради. Тавҳид, яъни Аллоҳнинг ягоналигини ҳис этиб яшаш тарғиби Навоий фалсафасининг асосий ғояларидан ҳисобланади. Шу сабаб шоир ҳамд ғазалларни шунчаки расмият, девонларини анъанага мувофиқ тўлдириш учун ёзган эмас. Навоий учун фалсафий эътиқод, назарий дунёқараш вазифасини ўтаган тасаввуф, хусусан, унинг нақшбандия тариқати талаблари ҳам шуни тақозо этар эди. Бинобарин: “Нақшбандия мумтоз тариқатларнинг охиргиси ва шунинг учун унда бутун тасаввуф ва унинг тариқатларидаги энг ижобий томонлар ўз аксини топган”¹⁹. Аксар ҳамд ғазаллар Навоийнинг умумтасаввуфий дунёқараш таъсиридан холи эмас. Аслида, ҳамд ва наътларда унинг ошиқона, орифона ва риндона ғазалларига нисбатан тариқат талқинидан кўра шариат тарғиби – устун.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 242-ғазалидаги мана бу байтга кўра, шоир наздида Аллоҳсиз чарх – нима-ю, анжум – нима:

*Ҳакими қудратинг оллинда чарх ила анжум,
Муҳаққар уйлаки хаишхошу донайи хаишхош.*

Айни мисол, Навоий ғазал имкониятларидан ҳам мураккаб фалсафий-диний мушоҳада-мулоҳаза, ҳукм-умумлашмаларини ифодалашда фойдаланган ва бунда унга ҳамд ғазаллар жуда қўл келган, деган хулосага асос беради.

Диссертацияда ҳамд ғазаллар, шартли равишда, қуйидагича икки турга – тавҳид ҳамд ғазаллар ва муножот ҳамд ғазалларга ажратилди:

¹⁵Ҳайитметов А. Алишер Навоий лирикасининг баъзи масалалари. – Навоий ва ижод сабоқлари. Тошкент: Фан, 1981. – Б. 19.

¹⁶Алишер Навоий. Дебоча / *Яна ўша*: Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 9 – 22.

¹⁷Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20.

¹⁸Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 147.

¹⁹Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2002. – Б. 16.

“Ғаройиб ус-сиғар”да – 7 тавҳид, 2 муножот; “Наводир уш-шабоб”да – 11 тавҳид, 2 муножот; “Бадоеъ ул-васат”да – 5 тавҳид, 2 муножот; “Фавойид ул-кибар”да – 5 тавҳид, 2 муножот.

“Хазойин ул-маоний”да ҳаммаси бўлиб 37 ҳамд ғазал мавжуд. Мавзу йўналишига кўра, уларнинг 29 таси тавҳид ва 8 таси муножот экани аниқланди.

Анъанага кўра, тавҳид ва муножотларнинг бари муайян ҳарф билан тугаган ғазаллар гуруҳининг бошида келади. Шу ҳарфга тегишли наът ғазаллар ҳам бўлса, улар, албатта, тавҳид ва муножотлардан кейин жойлаштирилган. “Хазойин ул-маоний”даги девонларда баъзи ҳарфлар билан тугайдиган бир неча тавҳид ё муножот ғазал бўлса, айрим ҳарфларга тегишли бирорта ҳам тавҳид ё муножот ғазал йўқ.

Тавҳид ва муножот ғазалларнинг кўпчилиги – “алиф” ҳарфи (мумтоз адабиётшунослигимизда буни ҳам “радиф” дейиш бор, қофиядан кейин такрорланадиган сўз ва сўзлар ҳам “радиф” дейилади) билан тугайдиган ғазаллар. Тўртала девондаги “алиф” радифли ғазаллар синфида тавҳид ва муножотлар бор. Жами 29 тавҳид ғазалнинг 12 таси “алиф” билан тугаган (ҳар бир девоннинг 1 – 3-ғазаллари). Муножот ғазалларнинг ҳам асосий қисми – 8 таси (ҳар бир девоннинг 4 – 5-ғазаллари) “алиф” билан тугаган. Навоий, иложи борича, тавҳид ва муножот ғазалларни махсусан девонларнинг бошида жойлашадиган қилиб ёзган. Бунда ҳам Аллоҳ таърифини бошда жойлаштириш қатъиятидан келиб чиқилгани аён.

Ишда Навоийнинг ғазалларни девонларга жойлаштиришида муайян симметрия мавжудлиги ойдинлаштирилди: “дол” ҳарфи билан тугаган тавҳид ғазаллар икки девон – “Наводир уш-шабоб” ва “Фавойид ул-кибар”нинг айнан 114-ғазаллари, “ре” билан тугаган тавҳид ғазаллар икки девон – “Ғаройиб ус-сиғар” ва “Наводир уш-шабоб”нинг айнан 132-ғазаллари, “шин” билан тугаган тавҳид ғазалларнинг икки девон – “Ғаройиб ус-сиғар” ва “Бадоеъ ул-васат”нинг айнан 242-ғазаллари, “лом” билан тугаган тавҳид ғазаллар икки девон – “Ғаройиб ус-сиғар” ва “Наводир уш-шабоб”нинг айнан 364-ғазаллари, “ё” билан тугаган тавҳид ғазаллар икки девон – “Ғаройиб ус-сиғар” ҳамда “Наводир уш-шабоб”нинг айнан 575-ғазаллари бўлиб келган. Бунда Навоий, биринчидан, тавҳид ғазалларни жойлаштиришда шунчаки уларни ҳарф ғазалиёти бошида беришнигина эмас, улар девонларда ўзаро мутаносиб бўлиб туришини ҳам жиддий ўйлаган; иккинчидан, ҳамд ғазаллар ҳамма ҳарф синфида ҳам ёзилавермаган. Бундай симметрия муножот ғазаллар тартибида ҳам кузатилади: “Хазойин ул-маоний”даги барча девонларнинг 4 – 5-ғазаллари – муножот.

Тасаввуф нуқтаи назаридан ошиқона, орифона ва риндона ғазалларда таърифланадиган ёр тимсолида ҳам зимдан Аллоҳ кўзда тутилган бўлади. Шоирнинг ҳамд ғазаллари ҳам тасаввуфий талқинлардан айри эмас. Лекин тавҳид ва муножот ғазалларнинг бу жиҳатдан муҳим фарқи шундан иборатки, улардаги Аллоҳ тимсолида тасаввуфона рамзийлик эмас, аксинча, бевоситалик бор. Яъни тавҳид ва муножот ғазалларда Аллоҳ ёр тимсолида эмас, бевосита Аллоҳ тарзида таъриф ва тавсиф қилинаверади. Лирик

қахрамон ҳам кўпроқ ошиқ тарзида эмас, балки бевосита бир банда сифатида Яратувчисига ўз қалб туйғуларини баён этади. Тавҳид ва муножот ғазаллардаги лирик қахрамон мурожаат этадиган ва таърифланадиган асосий қахрамон – бевосита Худонинг ўзи. Шунинг учун ҳамд ғазаллардаги Аллоҳ тимсолини ёр тимсоли тарзида қабул қилмаслик керак. Ишқий ғазалнинг мамдуҳи²⁰, бугунги атама билан айтганда, объекти – ёр, яъники маъшук. Ҳамдлар ишқий мазмунда бўлмайди. Бу – жуда нозик жиҳат.

Тавҳид ҳамд ғазаллар ва муножот ҳамд ғазаллар кўп умумий жиҳатларга ҳам, алоҳида-алоҳида хусусиятларга ҳам эга.

1-бобнинг “*Тавҳид ҳамд ғазаллар*” деб номланган 1.2-фаслида ана шу биринчи турга тегишли ғазаллар хусусиятлари атрофлича таҳлил этилди.

Агар асосий мақсад Аллоҳнинг сифатларини таърифлашдан иборат бўлса, бундай ғазал “тавҳид” дейилади. Уларда Худонинг якка-ягоналиги, бирлигини, ёлғиз яратувчилигини таъриф-тавсиф этиш ва бу ягоналикни англаш, идрок қилиш бош мақсадга айланади. Айрим ғазалларида шоир унинг ҳамд эканини қайд этиб ўтишни унутмайди, Аллоҳ сифатлари ғазалнинг умумий руҳига сингдирилган ҳолда очиб беради, ҳар бир сифатнинг исботи учун эса бадий-манتيқий далил-исботлар ҳам келтиради.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 2-ғазалидаги мана бу байтда Аллоҳнинг азаллик ва абадлик сифати таърифланган:

*Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.*

Аллоҳнинг тавҳид ғазалларда қайд этилган пайдолик, пинҳонлик, азаллик, абадлик сифатлари “Қуръон”и каримнинг “Ҳадид” (“Темир”) деган 57-сурасидаги 3-оятда келтирилган: “Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани билгувчидир”²¹. Мазкур оятга таржимон Алоуддин Мансур битган изоҳдан²² билиб оламизки, бу тўрт сифат Аллоҳнинг энг асосий белгиларидан саналади.

Навоийнинг тасаввуфий ақидасига кўра, бутун борлик “олами кубро” (катта олам), инсон кўнгли эса “олами суғро” (кичик олам) ҳисобланади. Лекин олами куброда нимаеки бўлса, у олами суғрода ҳам мавжуд. Чунки кўнгилда олам акс этади-да. Фақат бу ерда у кичрайган, ихчам ҳолда инъикос топади²³.

Кўпгина тавҳид ғазаллар мақтаъида лирик қахрамон гўё Навоийни эслаган бўлиб, Аллоҳдан унинг гуноҳларидан ўтишини сўрайди. Бу эса – муножотга хос хусусият. Шунинг учун ҳамд ғазалларни тавҳид ва муножот ғазалларга ажратишда нисбийлик борлигини эсдан чиқармаслик керак. У шундан иборатки, қайси жиҳат ўша ғазал учун устувор бўлса, шунга

²⁰Мамдуҳ – мадҳ этилувчи; навоийшунос Дилором Салоҳий ўз диссертациясида бу атамани ўринли ишлатган, қаранг: Салоҳий Д.И. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомил. Ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида. Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – Б. 21.

²¹Қуръони карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 418.

²²Ўша асар. Б. ўша.

²³Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 147.

таянилади. Лекин бу тавҳид ғазалда муножот, муножот ғазалда эса тавҳид хусусияти йўқ, дегани эмас.

Муножот ғазалларда тавҳид хусусиятлари бобнинг навбатдаги **“Муножот ҳамд ғазаллар”** 1.3-фаслида алоҳида ўрганилди.

“Муножот” сўзига “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да я л и н и ш, ё л в о р и ш²⁴ деб таъриф берилган.

Муножот ғазалларда лирик қаҳрамон Аллоҳдан нажот сўраб, ёлворади, илтижолар айлайди, ундан билиб-билмай қилган гуноҳларидан кечишни, қиёмат кунда мағфират этилишини, жаннат насиб айлашини сўрайди. Шу тарихи муножот ғазалларда шоир ўз дардини кўпроқ ифодалаш имконига эга бўлади. Бинобарин: “Шеър шоирнинг ўз “дарди”ни ўзгаларга билдиришга бўлган табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади”²⁵.

Д.Салоҳий Навоий ғазалиётида муножотларнинг кўпроқ қарилик даврига хослиги ҳақида мулоҳаза юритади²⁶.

Тавҳид ва муножот ғазалларда мурожаат этиладиган ва таърифланадиган асосий манзар (объект) – бевосита Худонинг ўзи. Лирик қаҳрамон бир банда сифатида Яратгувчисига ўз қалб туйғуларини баён, ички сирларини ошкор қилади. Тавҳид ва муножот ҳамд ғазаллар моҳиятига етиш – девонларнинг бошқа турдаги ғазалларини тушуниш учун ўта зарур.

Айримлар ислом ва адабиётни бир-биридан бутунлай айри тушунчалар деб ҳисоблайди. Бу, умуман олганда, тўғри қараш. Чунки дин билан сўз санъатининг воқеликка муносабати ҳам, кўзлаган мақсади ҳам, таъсир воситалари ҳам, воқеалар талқинида тасвир усуллари ҳам бир хил эмас. Аммо иккаласининг ҳам бош манзари – одам. Иккаласининг ҳам мақсади – уни эзгуликка ундаш. Иккаласининг ҳам мағзини ахлоқ ташкил этади (ҳатто, ислом Шарқида сўз санъати айнан ахлоқ-одоб маъносидаги “адаб” калимасидан ясалган “адабиёт” сўзи билан ифодаланади). Ўрта асрларда адабиёт – динга, дин – адабиётга бегона эмас эди. Ўн тўрт асрлик ислом тарихида дин – адабиётга, адабиёт – динга суянган. Муножот ғазаллар шуни исбот қилади.

Иккинчи бобда **“Наът ғазалларнинг шоир лирикасидаги ўрни”** тадқиқ этилди.

Бадий адабиётдаги пайғамбар васфига бағишланган асарлар *наът* дейилади. “Наът – пайғамбарни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ”²⁷. Уларда расулуллоҳ (с. а. в.) одамзоднинг сарвари – энг буюк зот, энг комил инсон сифатида таърифу тавсиф этилади. Мусулмон халқлари мумтоз адабиётларида деярли барча асарлар Аллоҳ ҳамди ва Муҳаммад наъти билан бошланади. Бундан шеъринг девонлар ҳам мустасно эмас. Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девони “Дебоча”сида, жумладан: “Ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини ё Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё

²⁴Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан. 1983. – Б. 354.

²⁵Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 20 – 21.

²⁶Салоҳий Д.И. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили. Ғазаллар матнларининг киёсий таҳлили асосида. Фил. ф. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – Б. 30.

²⁷Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 2-том. – Тошкент: Фан. 1983. – Б. 444.

расул алайҳи-с-салом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззах қилинди”²⁸, – деб ёзганида шуни кўзда тутган. Шоир “Хазойин ул-маоний” девонларида ҳам ана шу қатъиятига амал қилади²⁹.

Диссертацияда “Хазойин ул-маоний”да шоирнинг жами 37 наът ғазали жой олгани аниқланди, шунингдек, девонлардаги наът ғазаллар ички тартиби кўздан кечирилди.

Бобнинг *“Наът ғазалларда оят ва ҳадислар талқини”* деган 2.1-фаслида шоир наът ғазаллари Қуръони карим оятлари ва Муҳаммад (с. а. в.) ҳадислари асосида кўриб чиқилди.

Навоийдек буюк исломшунос зот Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ҳақидаги талқинларда, шубҳасиз, “Қуръон” оятлари ва ҳадисларга суяниши табиий эди.

“Қуръон”да ислом раҳнамози Муҳаммад(с. а. в.)нинг исми атиги тўрт мартагина (3:144, 33:40, 47:2, 48:29) зикр этилган, *Аҳмад* исми эса бор-йўғи бир маротаба (61:6) тилга олинган³⁰. Навоий ғазалларида Исо Масихнинг исми 200 дан кўпроқ маротаба зикр этилгани ҳолда Муҳаммад (с. а. в.) исми бир бор, яъни “Бадойиъ ул-васат”нинг 393-ғазалидагина учрайди, холос:

*Борму ул икки ўрулгон гесуйи анбар шамим,
Ё этак солмиш Муҳаммадда ёзилган икки “мим”.*

Навоий наът ғазалларида Муҳаммад пайғамбар сиймоси фақатгина диннинг асосчиси, мўъжизакор ёки ўзининг гўзал ахлоқи билан ҳаммага намуна бўла олган пайғамбар сифатидагина эмас, балки комиллик тимсоли бўлган ҳазрати инсон қиёфасида гавдаланади. Навоий наът ғазаллар ижод қилганда қатъий равишда “Қуръон”нинг Муҳаммад (с. а. в.) ҳақидаги оятлари ва ҳадисларга суянган.

2-бобнинг *“Наът ғазалларнинг ўзига хос жиҳатлари”* дейилган 2.2-фаслида пайғамбар васфида келган ғазалларнинг хусусиятлари таҳлилга тортилди.

Ислом Навоий мафкурасининг асосларидан бирини ташкил этади³¹. Буни наът ғазаллар мисолида ҳам кўриш мумкин. “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 6-ғазалида меърож ҳам, Каъба ҳам, Замзам ҳам, Батҳо ҳам, Ясриб ҳам тилга олинади, таъбир жоиз бўлса, расулуллоҳнинг умумий жиҳатлари таърифланади. Ғазал:

*Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро, –*

²⁸Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан. 1987. – Б. 21.

²⁹Фақат “Фавойид ул-кибар”нинг “алиф” ҳарфи гуруҳи охирида 39-ғазал сифатида ҳам, “айн” ҳарфи гуруҳида охиридан битта олдин 293-ғазал сифатида ҳам наът ғазал келади. Шунингдек, “Фавойид ул-кибар”нинг охирги, яъни 650-ғазали ҳам – наът. Диссертацияда шоир махсус равишда шундай йўл тутгани изоҳланган.

³⁰Қаранг: Қуръони карим. Маъноларининг таржимаси ва тафсири (Қайта ишланган 3-нашри). Таржима ва тафсир муаллифи – Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2009.

³¹Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий меросининг жаҳон цивилизациясида тутган улкан мавқеи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: 2001. – Б. 138 – 139.

деган матлаъ билан бошланади. Бу байтда Муҳаммад (с. а. в.) Одам фарзандлари орасидаги барча пайғамбарлар ичида узук, йўқ, агар олдинги набилар узук бўлса, бу ўша узукка битилган исм, дейилади. Бу ерда шоир Муҳаммад (с. а. в.) баданларида ул зоти шарифнинг охир замон пайғамбари экани ҳақидаги муҳр борлигига ишора қиляпти. Чунки “хотам” сўзининг, *яқунловчи, охир* деган маънолардан ташқари, *муҳр* маъноси ҳам бор. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ёзганидек: “Пайғамбар алайҳи-с-саломлар одамларнинг энг афзаллари ҳисобланадилар. Муҳаммад мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам эса афзалларнинг афзали ҳисобланадилар”³².

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг 114-ғазалида, ҳатто, Одам Атонинг сувратдагина Муҳаммад пайғамбарга волид, яъни ота, лекин маънода унга фарзанд янглиғ эканидан гап бошланади:

*Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.*

“Бадоеъ ул-васат”нинг – 7-, 393-, “Фавойид ул-кибар”нинг 92-, 338-, 575- ва 650-ғазалларида шоирнинг ўзи бу наът эканини қайд этиб ўтади.

“Фавойид ул-кибар”нинг сўнгги ғазали эса йўналишига кўра аввалги уч девон охирги ғазалларидан батамом ажралиб туради. Чунки энди бу ғазал фақат шу девоннинггина эмас, бутун “Хазойин ул-маоний”нинг охирги ғазали ҳисобланади. “Хазойин ул-маоний”да ғазалларни жойлаштиришнинг умуммантигидан келиб чиқиб айтилса, Навоий буни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эди. Гап шундаки, бу ғазал, аслида, девондаги қатъий анъанага зид равишда жойлаштирилган, яъни ҳам “Фавойид ул-кибар”(демакки, “Хазойин ул-маоний”)нинг сўнгги ғазали наът тарзида битилган. Анъанага биноан, наът ҳарфий гуруҳнинг бошида (агар ҳамд бўлса, ундан кейин) келиши керак эди. Бу ерда анъана бузилган. Лекин бунда бошқа бир жиддий мантиқ бор: “Чор девон” ғазалиёти Аллоҳ ҳамди билан бошланиб, пайғамбар наъти билан тугалланади. “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи ғазали қандай бўлиши шоир учун нақадар аҳамиятли ҳисобланса, энг охирги ғазали ҳам шу қадар муҳим ва жиддий масала эди. Сўнгги ғазалнинг наът бўлиши яна бир карра шоирнинг қанчалар комил мусулмон эканидан далолат беради.

Навоий “Фавойид ул-кибар”нинг 575-ғазалида наът ёзиш ҳам махсус илм талаб қилишини айтиб, пайғамбардан олимроқ бўлган бошқа бир илм эгасини топмаганини қайд этади. “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 94-ғазалида эса наът ёзиш кишидан катта маърифат талаб этишини таъкидлайди. Бундан наът ғазалларни Навоий шунчаки анъана учун битмаган, балки, улар шоир шахсининг ички эҳтиёжи, яъни чинакам бадиий ижод намуналари тарзида қоғозга туширгани аёнлашади.

Ишда “Хазойин ул-маоний”даги наътлар, шартли равишда, икки турга – васф наътлар ва меърожнома наътларга ажратилди. Бу таснифда, биринчидан, нисбийлик борлигини, иккинчидан, бунда пайғамбар

³²Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Нубувват ва рисолат. – Тошкент: Шарқ. 2006. – Б. 17.

(с. а. в.)нинг кўпроқ қайси жиҳатлари тасвирлангани ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур.

2-бобнинг **“Васф наът ғазаллар”** 2.3-фаслида пайғамбаримизнинг умумий сифатлари таърифланган наътлар таҳлил этилди.

